

Устоз Абдулҳаким қори Матқулов Кўкалдош мадрасасига мудир этиб тайинланди



14:49 / 03.05.2023 2544

2023 йил 3 май куни Тошкент шаҳридаги Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти педагоглар жамоасининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти мудирини Муҳаммадамин домла Насриев бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ўрнига диний-маърифий соҳада кўп йиллар меҳнат қилган Абдулҳаким қори Матқулов тайинлангани маълум қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла

ҳазратлари йиғилишда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан бугунги мураккаб дунёда халқимиз, айниқса, ёшларга Ислом дини моҳиятини тўғри тушунтириб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, диний таълим сифатини янада ошириш, заминимиздаги қадимий диний таълим анъаналари ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда юртимизда диний таълим муассасаларида татбиқ этиш каби муҳим топшириқлар берилганини алоҳида таъкидладилар.

Муфтий ҳазратлари мадрасанинг янги мудир ва педагоглар жамоаси олдида мана шундай долзарб вазифалар турганини ҳам алоҳида қайд этдилар.

Аллоҳ таолодан устоз Абдулҳаким қори Матқуловга масъулиятли ва шарафли ишда улкан муваффақиятлар тилаймиз.